ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР: *Дала ишлари суръати ҳамда сифатини кучайтирайлик.* ● Ўсиш, ривожланишдан орқада қолаётган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, яхшиларига етказиб олайлик. ● Барча майдонда ғўзаларни тезроқ шонага киритайлик.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-йил чиқиши

№ 112 (4571).

8 ИЮНЬ ПАЙШАНБА 1972 йил

Баҳоси 2 тийин.

Янгийўллик илғор бригадалар СССРнинг 50 йиллиги шарафига ажойиб ташаббус бошладилар. Улар ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта олишга қарор қилдилар. Пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун бел боғлаган азаматлар сафи кенгаяверсин.



«Москва» колхози «кумуш тола» ижодкорлари оққўрғонлик пиллакорлар эришган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар мавсумни уюшқоқлик билан бошлаб, ипак қуртини зўр эътибор бериб, парвариш қилдилар. Натижада юқори ҳосил етиштиришга эришдилар. Бу соҳада бой тажрибали пиллачи Хайри Имомбердиева бошчилик қилаётган пиллачилик звено аъзолари айниқса намуна кўрсатдилар.

СУРАТДА: Хайри Имомбердиева ва унинг звено аъзолари давлат пунктига жўнатиладиган пиллани тайёрламоқдалар.

А. АБАЛЯН фотоси.

БЕКОБОДЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

Бултур Бекобод райони меҳнаткашлари давлатга 49 минг тонна пахта сотиб, катта ғалабага эришган эдилар. Бу йил эса район пахтакорлари 50 минг тонналик хирмон кўтариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил бекободликлар барча майдонларга эрта муддатларда чигит экиб текис унидириб олдилар. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, ғўзадаги касалликларни йўқотиш мақсадида 21585 гектар пахта майдонининг ярмидан кўпроғига «Тошкент-2» навли чигит экилдар. 6592 гектар майдонга кенг қаторлаб чигит экилди.

Хуллас улар пахтачилик соҳасида эришилган ютуқ ва янгиликларни кенгроқ жорий этиб ҳосилдорликни ошириш, ўзларининг эл-юрт олдида зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар.

Ёзингарчилик кўп бўлди. ҳаво салқин келди. Ўсимликнинг ривожи учун зарур иссиқлик ўз вақтида бўлмади. Бунинг устига 18 майдан бошлаб уч кун ёққан қаттиқ ёмғир қўшимча қийинчилик туғдирди. Бир мунча ерни бузиб экишга тўғри келди. Ёзингарчиликдан кейин бирдан кун исиб кетгани сабабли ҳамма пахта майдонларида қатқалоқ ҳосил бўлди.

Лекин районнинг азамат пахтакорлари саросимага тушмадилар. Зарур тадбирлар шошилинч равишда амалга оширилди. Барча майдонлардаги қатқалоқ икки-уч кунда бартараф этилди. Айниқса бундай қийинчиликлар «Коммунизм», Дзержинский номли, Навоий номли колхозларда. 1-«Далварзин» ва 2-«Далварзин» совхозларида кўпроқ юз берди. Бу нарса одамларнинг умидсизлантирмади. Аксинча, айни кунларда пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олаётган бригада, звенолар, бўлимлар сони кўпайиб бораяпти.

1-«Далварзин» совхозининг Абдурашид Саматов бошлиқ бўлим ишчилари 603 гектар майдонда ҳосил бўлган қатқалоқни жадаллик билан йўқотдилар. Кўчатларни омон сақлаб қолдилар. Ёввойи ўт йўқотилди. Бўлим ишчилари дастлаб 26 ўрнига, 28 центнердан ҳосил етиштирамиз, деб ваъда берган эдилар. Яқинда улар ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш тўғрисида қўшимча мажбурият қабул қилдилар. Бўлимдаги Мамажон Тўрақулов, Аҳмадали Эрназаров, Пардабой Рисқулов, Дадабой Жўраев, Абдурасул Маматқуловлар бошлиқ бригада аъзолари ҳам ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олиб фидокорона ишламоқдалар.

— Ҳозир, — дейди совхоз партия ташкилотининг секретари Ҳоким Юсупов, — ҳамма бригада ва бўлимларда конкрет шароитни ҳисобга олиб социалистик мажбуриятлар, қайта кўриб чиқилмоқда. Биз йил бошида совхозимиз бўйича 7000 тонна пахта етиштирамиз, деган эдик. Энди бу рақам шубҳасиз ошади.

Қўшни 2-«Далварзин» совхозида ҳам юз берган қийинчиликлар бартараф этилиб, мўл ҳосил учун кураш давом этаяпти. 4- бўлимдаги Мамадали Рафиқев. 3-бўлимдаги Самат Худойбердиев сингари аъзолари яхши иш олиб борганлари учун табиий қийинчиликларни енгдилар, барча майдонларда ғўзани нормаль ривожланишига эришмоқдалар.

Ёзингарчиликдан айниқса қаттиқ зарар кўрган «Коммунизм» колхозининг азамат пахтакорлари бир талай ерга чигитни қайта экдилар, қатқалоқни тезкорлик билан йўқотдилар. Мўл ҳосил учун пухта замин яратиш мақсадида агротехника тадбирларини амалга оширмоқдалар. Культивация қилиш билан бир вақтда зарарланган ердаги ғўзаларни қўшимча озиқлантириш, суғориш каби тадбирлар жадал олиб бориляпти. Шунинг учун улар йил бошида зиммаларига олган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажарамиз, демоқдалар.

Ҳозир райондаги қайси хўжаликка борманг, ана шундай фактларга дуч келасиз. Ватанпарварлик ҳис-туйғуларига тўлиб тошган одамларнинг қалб ҳароратини тўкиб ишлаганларини кўриб, уларга тасаннолар ўқийсиз.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ПИЛЛА ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 7 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.		
Бекобод	4,4	118,4
Бўка	15,2	118,4
Янгийўл	7,8	105,7
Оққўрғон	11,6	105,4
Ўрта Чирчиқ	15,7	103,0
Пискент	18,1	90,6
Оҳангарон	16,3	88,4
Калинин	12,1	82,9
Оржоникидзе	10,8	79,1
Юқори Чирчиқ	17,7	65,7
Бўстонлиқ	8,7	37,0
Область бўйича:	**12,1**	**91,8**

ЯГАНА СОЗ ЎТДИ

ЯНГИБОЗОР. «Правда» колхозида кенг қаторлаб экилган пайкаллардаги ғўзаларни ягана қилиш тез ва соз ўтказилди. Айниқса бу ишда Ойша Мехриалиева, Турғун Абдуллаева, Қудрат Қўқоров каби пешқадам колхозчилар намуна кўрсатиб ишладилар. Яганадан чиқарилган ғўзалар соғлом ва бақувват ўсмоқда.

Б. АЗИЗОВ.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари оажарганликлари учун область «Хурмат тахтаси»га ёзилдилар.

Бўка райони (район партия комитетининг секретари **Эгамбердиев**, район ижроия комитетининг раиси **Қодиров**, район комсомол комитетининг секретари **Жўраев**, бош пилла қуритиш идорасининг директори **Ортиқбоев**, катта агроном **А. Нашаполус** ўртоқлар). Бу район планидаги 90,2 ўрнига 93 тонна пилла топшириб, планни 103,2 процент бажарган. Район пиллачилари яна 15 тонна кумуш тола етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Янгийўл райони (район партия комитетининг секретари **Алимов**, район ижроия комитетининг раиси **Мамедов**, район комсомол комитетининг секретари **Қўчқорова**, бош пилла қуритиш идорасининг директори **Екубов**, катта агроном **Қозоқова** ўртоқлар). Бу район планидаги 205,7 тонна ўрнига 208,8 тонна пилла топшириб, планни 101,5 процент бажарган. Давлатга яна 19,3 тонна пилла топшириш мажбурияти олинган.

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎЙИЧА

4-«Далварзин» совхози (директори **Б. Мирзакаримов**, ишчилар комитетининг раиси **К. Тўхтамишев**, пиллачилик агрономи **А. Қулбоев** ўртоқлар). Совхоз 3550 ўрнига 4313 килограмм пилла топширган. Планни 121,5 процент бажарган. Пландан ташқари 2000 килограмм пилла сотиш мажбуриятини олган.

Ойбек номли совхоз (директори **Э. Тўрақулов**, партия ташкилотининг секретари **Б. Сонибазаров**, комсомол ташкилотининг секретари **А. Назаров**, пиллачилик агрономи **Э. Ҳамраев** ўртоқлар). Совхоз 4710 ўрнига 5310 килограмм пилла топшириб, планни 121,5 процент бажарган. Пландан ташқари 1500 килограмм пилла сотиш мажбуриятини олган.

1-«Далварзин» совхози (директори **И. Сотиболдиев**, партия ташкилотининг секретари **Х. Юсупов**, комсомол ташкилотининг секретари **А. Дадабоев**, пиллачилик агрономи **Н. Кимсанбоев** ўртоқлар). Совхоз 4840 ўрнига 4896 килограмм пилла топшириб, планни 111,2 процент бажарган. Яна 2 минг килограмм ҳосил топшириш мажбуриятини олди.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Коммунизм» колхози (раиси **М. Тўрахўжаев**, партия ташкилотининг секретари **А. Илёсов**, пиллачилик бригадасининг бошлиғи **А. Саъдуллаев**, комсомол ташкилотининг секретари **Т. Туратов** ўртоқлар). Колхоз 2090 ўрнига 2666 килограмм пилла топшириб, планни 124,7 процент бажарган. 900 килограмм қўшимча ҳосил топшириш учун курашмоқда.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Коммунизм» колхози (раиси **О. Берднев**, партия ташкилотининг секретари **Т. Дуйсаев**, агроном **У. Аҳмедов** ўртоқлар). Колхоз 3900 ўрнига 3953 килограмм пилла топшириб, планини 101,4 процент бажарган. Пландан ташқари 600 килограмм пилла сотиш мажбурияти олинди.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Коммунизм» колхози (раиси **М. Исматов**, партия ташкилотининг секретари **Р. Эшонхўжаев**, пиллачилик агрономи **У. Шарипов** ўртоқлар). Колхоз 14250 ўрнига 14615 килограмм пилла сотиб, планини 102,6 процент бажарган. Ҳосил топшириш давом этмоқда.

БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Партия XX съезди» колхози (раиси **М. Хайитбоев**, партия ташкилотининг секретари **Р. Абдураимов**, пиллачилик агрономи **А. Банров** ўртоқлар). Колхоз 5800 ўрнига 8109 килограмм пилла топшириб, планини 139,8 процент бажарган. Колхоз қўшимча 4200 килограмм пилла сотиш мажбуриятини олди.

Мичурин номли колхоз (раиси **А. Иномов**, партия ташкилотининг секретари **Ю. Сарибоев**, комсомол ташкилотининг секретари **К. Яхшибоев**, агротехник **А. Мавлонов** ўртоқлар). Колхоз 2 минг ўрнига 2066 килограмм пилла сотиб, планини 100,3 процент бажарган. Қўшимча 300 килограмм ҳосил топшириш мажбурияти олинди.

КАРТОШКА ТОПШИРИЛМОҚДА

Шаҳар меҳнаткашларини сабзавот маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилаётган **КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ** деҳқонлари картошка кавлашни бошлаб юбордилар. Сабзаворкорлар бу йил меҳнаткашларга 860 тонна картошка топшириш мажбуриятини олишган. Ҳозирги кунгача жўнатилган картошка 100 тоннадан ошиб кетди.

Картошкадан мўл ҳосил етиштирган Наби Эшонов, Рауф Хошўлатов, Тўлаган Юнусов, Рашид Ҳасанов бошлиқ бригада деҳқонлари ҳар куни 10—15 тоннадан юқори сифатли картошка топширмоқдалар. СССР ташкил топган кунинг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳаракат қилаётган сабзаворкорлар дала ишларини янада кучайтириб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозир колхоз далаларидан карам, сабзи, пиёз ва бошқа сабзавот маҳсулотлари шаҳар меҳнаткашлари дастурхонини тўкин-сочин қилиш учун кўплаб жўнатилмоқда.

ЧИРЧИҚ—НАБЕРЕЖНИЕ ЧЕЛНИ

ЧИРЧИҚ. (ЎзТАГ). Чирчиқ трансформатор заводининг коллективи Кама дарёси бўйида улкан автомобиль заводи қурувчиларига дастлабки тўрт комплект трансформатор подстанциялари ортиб жўнатди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Дугина ва Р. Рейнер бошчилик қилаётган бригадалар шу подстанцияларни муддатидан ўн кун барвақт монтаж қилди. Подстанциялар пухта ишлайди, автоматика билан таъминланган.

Завод Набережние Челнига яна 24 та шундай трансформатор подстанцияларини жўнатишга тайёргарлик кўрмоқда. У Кама бўйидаги улкан заводнинг шу аппаратга бўлган эҳтиёжларини батамом қондиради.

Ҳозир корхонада 2,5 минг киловольт—ампер қувватли комплект трансформатор подстанцияси ўзлаштирилмоқда. Кама автомобиль заводи қурилишига 300 га яқин шундай агрегат юборилади.

БАРАВВ ҒЎЗАЛАР

Кенг пахтазорлар чиройи яна ҳам очилиб кетган. Беғубор ўсаётган ғўзалар кишини бир зумдаёқ ўзига тортади. Деҳқонлар эгат оралаб бегона ўтларни таг-томири билан юлиб ташламоқдалар. Культивация қилиб, кўчатларнинг тагини юмшатиб, эгат олишяпти. Мириштор сувчилар қатор ораларига сув тарашяпти.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозида ҳар куни иш шундай қизғин.

Шуниси қувончлики, хўжаликда ўсишдан орқада қолаётган ғўзаларга қўшимча ишлов бериш, олдингиларига етказиб олишга эътибор зўр. Айниқса, сўнгги ҳафтада деҳқонлар бу соҳада анчагина ишларни амалга оширдилар. Озиқлантиришни яхши йўлга қўйдилар. Натижада ғўзалар тез ривожланиб 8—9 барг чиқариб, қаддини анча ростлаб олди. Колхозчилар ҳар бир ниҳолни меҳр билан парвариш қилишяпти. Шу билан бирга механизаторларнинг эътибори гектар бошига 90 мингчага кўчат сақлаб қолишга қаратилган. Ғўза парваришида ўртоқ М. Кулқулов бошлиқ бригада аъзоларининг хизматини алоҳида қайд қилиш керак. Деҳқонлар 72 гектар ерда чигит экишган. Ҳозир бригаданинг пахтазори уч марта тўла парваришдан чиқди. У ерда озиқлантириши тезда тамомлашга ҳаракат қилиняпти. Минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиляпти. Сувчилар ҳам тинним билишмайди. Ишни икки сменада ташкил қилишган.

Биз,— дейди бригада бошлиғи,— ғўзанинг талабига қараб сугораяпмиз. Гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» топширамиз.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам иш қатъий график асосида олиб бориляпти. Далада ишлаётганлар учун барча қулайликлар яратиб берилган. Иссиқ овқат ташкил этилган. Болалар боғчалари ишлаб турибди. Меҳнатда ўзини кўрсатиб, ғўза парваришида актив қатнашаётган илғорлар рағбатлантирилмоқда. Колхозчилар ўтган йилдагидек бу йил ҳам машина теримига куч беришади. Сувчилар ҳам тинним билишмайди. Ишни икки сменада ташкил қилишган.

Биз,— дейди бригада бошлиғи,— ғўзанинг талабига қараб сугораяпмиз. Гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» топширамиз.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам иш қатъий график асосида олиб бориляпти. Далада ишлаётганлар учун барча қулайликлар яратиб берилган. Иссиқ овқат ташкил этилган. Болалар боғчалари ишлаб турибди. Меҳнатда ўзини кўрсатиб, ғўза парваришида актив қатнашаётган илғорлар рағбатлантирилмоқда. Колхозчилар ўтган йилдагидек бу йил ҳам машина теримига куч беришади. Сувчилар ҳам тинним билишмайди. Ишни икки сменада ташкил қилишган.

А. ҲУСАНОВ.

ЮСФР ПРЕЗИДЕНТИ ИОСИП БРОЗ ТИТО ЗИЁФАТ БЕРДИ

Югославия Социалистик Федератив Республикаси президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг раиси Иосип Броз Тито ва унинг рафиқаси 6 июнда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин шарафига зиёфат беришди.

Зиёфатда Совет томонидан Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, П. Е. Шелест, Д. Ф. Устинов, К. Ф. Катушев ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Югославия томонидан зиёфатда ЮСФР президентига ҳамроҳ бўлиб келган Югославия партия ва давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Самимий дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида ўртоқ Иосип Броз Тито ва Н. В. Подгорний қадаҳ кўтариб нутқ сўзладилар.

ИОСИП БРОЗ ТИТО РИГАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

7 июнда Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг раиси Иосип Броз Тито рафиқаси билан Москвадан Ригага жўнаб кетди. Президентга ҳамроҳ Югославия партия ва давлат арбоблари ҳам Латвия ССР пойтахтида бўладилар.

Азиз меҳмон билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси В. И. Степаков жўнаб кетдилар.

(ТАСС).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР билан АҚШ ўртасида ракетадан мудофаа системасини чеклаш тўғрисида 1972 йил 26 майда Москвада шартнома ва стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисида муваққат битим имзоланган эди.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувни назарда тутиб, СССР Министрлар Совети СССРнинг тегишли министрликлари ва идоралари шартнома ва муваққат битимдаги мажбуриятларга улар имзоланган кундан бошлаб риоя қилишлари керак, деб қарор чиқарди.

Шартнома ёрлиқлари ратификация қилинган ва СССР билан АҚШ муваққат битимларни қабул қилганликлари тўғрисида бир-бирларини ёзма тарзда хабардор қилган кундан бошлаб шартнома ва муваққат битим расмий равишда кучга киради.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЖХДР ГА ВИЗИТИ

ЖАЗОИР, 7 июнь. (ТАСС). Жазоир миллий озодлик фронти партиясининг таклифига биноан Жазоир Халқ Демократик Республикасида меҳмон бўлиб турган КПСС делегацияси мамлакат бўйлаб сафарга чиқди. Делегацияга КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилик қилмоқда. Делегация бугун Оранга жўнаб кетди. Делегация Арзев, Аннабу, Скикду, Константину шаҳарларига ва Хасси-Мессауд нефть конига ҳам боради. Совет делегацияси сафар вақтида маҳаллий партия ва давлат органларининг фаолияти билан танишиб чиқади. Жазоирдаги янги саноат қурилишларини кўздан кечиради.

«Меҳнат ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, аввало, қўл меҳнатини ва оғир жисмоний меҳнатни қисқартириш ҳисобига меҳнат сарфини камайтириш — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишларнинг... муҳим йўналишидир. Корхоналарда технологияни ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш билан бирга бу вазифани бажариш эскириб қолган техникани янгилаш ва ўзгартириш суръатларини жадаллаштиришни таъминлайдиган тармоқларни ҳар томонлама ривожлантиришни талаб қилади. Бунда гап ишларни комплекс механизациялашга ва технология жараёнларини автоматлаштиришга ўтиш имконини берувчи янги серунум, техника, машиналарнинг бутун-бутун системасини ишлаб чиқарадиган тармоқлар устида бораётир. Саноатга ишлаб чиқариш техника хизмати кўрсатишни, ёрдамчи ишларни механизациялашни таъминлайдиган тармоқларни кенгайтириш ҳам катта аҳамият касб қилади».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Иқтисодий Билимлар Университети

САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги тўққизинчи беш йилликда янада ривожланади. Деҳқончилик, айниқса унинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган пахтачиликни ривожлантириш манфаатлари шуни тақозо этмоқда. Деярлик барча корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилади, уларни кенгайтириш юзасидан кенг миқёсда капитал қурилиш ишлари олиб борилади.

Айни вақтда бу корхоналар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга катта эътибор берилади. Бу масалада ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишни такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки ҳозирги вақтда республикамиздаги бундай машинасозлик корхоналарида ёрдамчи ишларни бажариш билан барча ишчиларнинг ярмидан кўпи банд бўлмоқда. Ваҳоланки, бундай корхоналарда ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш йўли билан ёрдамчи ишларда банд бўлган ишчилар сонини кескин камайтириш мумкин.

Ҳаммага маълумки, машинасозликнинг асосий жараёнларида бажариладиган операцияларнинг 80 проценти механизациялашган ёки автоматлашган. Ёрдамчи ишларнинг фақатгина 20 проценти машина-механизмлар ёрдамида юклатилган, 80 процентга яқини қўл кучи билан бажарилмоқда. Бунинг устига ана шундай унумсиз иш билан банд бўладиган ишчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ёрдамчи жараёнларни бажаришга кетадиган харажат саноат маҳсулоти таннархининг 12—15 процентини ташкил этмоқда.

Ёрдамчи операцияларни бажаришдаги меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун резервлари кўп бўлган ишларни механизациялашга асосий эътиборни қаратиш керак. Машинасозлик корхоналарида юкларни транспортировка қилиш, склад, ремонт ва асбоблар тайёрлаш ишлари ёрдамчи юмушлар умумий ҳажмининг 80 процентга яқинини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу ишларни бажаришда қўл кучи сарфини камайтириш юзасидан чоралар кўриш керак.

Республика қишлоқ хўжалик машинасозлигида транспорт-склад ишлари ёрдамчи операциялар умумий ҳажмининг салкам учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Уларни камайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг муҳим омилларидан биридир. Чунки бу соҳанинг юкларни ташиш, ортиш ва тушириш, складларга юкларни жойлаштириш билан шуғулланувчи ишчилари сони барча ишчи-хизматчиларнинг 17,8 процентини ташкил этади. Бу ишларнинг механизация даражаси жуда паст. Ишчиларнинг 57,4 проценти қўл меҳнати билан банд. Складдаги ишларнинг механизация даражаси эса бор-йўғи 7,25 процентни ташкил этади.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик машинасозлигининг айрим корхоналарида ёрдамчи ишларни комплекс механизациялаш планлари амалга оширилаётганлиги таҳдирга сазовордир. Натижада бу операциянинг механизация даражаси бирмунча ортди. Агар 1965 йилда у 41,5 процентни ташкил этган бўлса, 1970 йилга келиб, 51 процентга етди. «Ташсельмаш», Ўзбекистон тракторйўғув заводларида кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Заготовкаларни цехлараро ташиш механизациялашди, унификацялашган таралар жорий қилинди. Трактор-йўғув заводида кўрилган шундай чоралар туфайли ҳар йили 80 минг сўмликка яқин иқтисодий самара олинаяпти.

Лекин, кўпгина корхоналарда юкларни ташиш, ортиш ва тушириш ишларини механизациялаш масаласига етарли эътибор берилмаяпти. Заводларнинг транспорт-склад хўжалигида ишлатилаётган юк ортиш-тушириш техникаси анча эскириб қолган. Улар кўпинча бузилиб фойдаланилмай ётади. Транспортнинг бекор туриб қолиши заводларга катта иқтисодий зарар келтирмоқда.

Механизация воситаларидан самарали фойдаланишда склад биноларининг улар ишига мослаштанлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Мавжуд биноларнинг кўпчилиги юкларни сақлашга, юк ортиш-тушириш техникасининг ҳаракат қилишига мослашмаган.

Юкларни цехлараро асосан автомобиллар, авто ва электро юк ортгичлар, авто ва электрокарлар ёрдамида ташилмоқда. Юкларни ташиш, ортиш ва тушириш учун кетадиган вақтни камайтириш учун юкни ўзи туширувчи транспорт воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш керак. Бу катта иқтисодий самара бериши мумкин.

Контейнерлар ва поддонлардан фойдаланиш жуда кўп майда-чуйда юкларни айрим партияга бирлаштириш ва шу йўл билан складдан цехга, цехдан складга томон ташишни енгиллаштириш имконини беради. Чунки, ҳозирги вақтда заготовкалар ва деталлар жуда кўп жойларда ортилади ва туширилиб олинади. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларидаги механика-йиғув, темирчилик ва қуюв цехларида юкларни тушириб ортиш ишлари 4—6 марта такрорланади. Бунинг учун жуда кўп миқдорда меҳнат, маблағ ва иш вақти сарфланади.

Юк ташиш, ортиш ва туширишни енгиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар комплексида тараннинг энг қулай тизими танлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда барча саноат тармоқлари маҳсулотларини упаковкалаш учун 33 миллион куб метр тахта кетяпти. Бундай тараллар ишлаб чиқариш учун 4,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланмоқда.

Таранинг анча тежамли хилларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Уларнинг конструкцияси қулай бўлмоғи, уларни ташиш, ортиш ва тушириш вақтида меҳнатни яхши ташкил этишга ёрдам бермоғи керак. Корхоналарда замонавий механизациялашган складлар қуриш, махсус электр ва автоюкортгичлар ва бошқа воситалар сонини кўпайтириш даркор.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари ёрдамчи ишларда меҳнат унумдорлигини ошириш, қўл меҳнати сарфини камайтириш, юк ташиш ва складларда бажариладиган ишларни механизациялашга қаратилган планлар ишлаб чиқишди. Бу тармоқда юк ортиш-тушириш ишларининг механизация даражасини 1975 йилга келиб 74,5 процентга етказиш назарда тутилмоқда. Бунга эришмоқ учун барча резервлар ва имкониятлардан тўла фойдаланиш зарур.

Саноатда меҳнат унумдорлигининг ошиши кўп жиҳатдан асбоб-ускуналар ремонтининг ташкил этилганлиги ва уларга қаровнинг йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Автоматиканинг жорий қилиниши, технологик жараёнларнинг такомиллашиши, асбоб-ускуналар парки ва қувватининг ошиши билан ремонт ишлари кўлами ҳам кенгаймоқда. Шунинг учун ҳам ремонт ишларини анча тартибга келтириш, уни ҳартомонлама пухта ташкил этиш керак.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналаридаги ремонт ишларида барча ишчиларнинг 8—12 процента банд бўлиб турибди. Заводларнинг ремонт цехларида қўл кучи билан бажариладиган ишлар 70 процентгача етади. Бу асосий ишлаб чиқаришдагига қарағанда 2,5 баравар ортиқдир. Машиналар ва асбоб-ускуналарни капитал ремонт қилиш жуда ачинарли аҳволда.

Металл қирқиш станокларини капитал ремонт қилиш учун меҳнат сарфиёти кўпинча янгиларини тайёрлаш учун кетадиган меҳнат сарфиётига бараваргашиб қолади. Ремонт таннархи эса янги асбоб-ускуна нархининг 60—80 процентини ташкил этмоқда. Масалан, 1К62 маркали токарлик станогини капитал ремонт қилиш учун 700 нормасоатга яқин вақт сарфланмоқда. Ана шундай янги станокни тайёрлаш учун эса 300 норма-соатдан ҳам камроқ вақт кетади. Ремонт ишлари учун харажатларни камайтириш маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг муҳим резервларидан биридир.

Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, асосий механика цехларида ремонтчи ишчилар сони ёрдамчи юмушлар билан банд бўлганларнинг тахминан 32 процентини, умуман ишлаб чиқариш персоналининг эса 12 процентга яқинини ташкил этар экан. Бунинг устига ремонтчилар меҳнати рационал ташкил этилмаган. Шуни айтиш кифояки, машинасозликда ремонт ишида банд бўлган ҳар бир ишчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ихтисослашган ремонт заводларидагига қараганда икки-уч баравар камдир.

Ремонт ишлари учун харажатларнинг кўплиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги аввало асбоб-ускуналар ишлаб чиқараётган машинасозлик корхоналари томонидан эҳтиёт қисмлар жуда кам тайёрланаётганлигидадир. Мамлакатимизда ҳар йили тахминан 5—6 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилгани ҳолда ихтисослашган станокозлик заводларида тайёрланган запас қисмлар баҳоси тайёрланган станоклар баҳосининг бор-йўғи 2 процентига тенг бўлмоқда.

Асбоб-ускуналар ремонтини марказлаштириш муҳим масалалардан биридир. Айни вақтда ремонт ишларини ихтисослаштириш, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни марказлаштириш керак.

Мавжуд асбоб-ускуналар жуда турли-туман. Шунинг учун ҳам бу уларни ремонт қилишни марказлаштириш ва ихтисослаштиришни қийинлаштиришмоқда. Айрим қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларимизда металл қирқиш асбоб-ускуналарининг хили 1500 гача етади. Шундай бир вазиятда ихтисослашган корхоналарда ана шу станокларни ремонт қилиш учун лозим бўлган эҳтиёт қисмлар тайёрлашни кўпайтириш лозим.

Ҳозирги вақтда тармоқ корхоналарни эҳтиёт қисмлар ва узеллар билан таъминлаш асбоб-ускуналар ремонти эҳтиёжининг бор-йўғи 5 процентдан сал кўпроғини ташкил этмоқда. Автоматик линиялар, темирчилик-пресслаш ва бошқа шу каби йирик асбоб-ускуналар бўйича эса у 2 процентдан сал ошиқроқдир. Бунинг оқибатида корхоналарнинг ремонт хизматлари деярлик барча асбоб-ускуналарни ўз кучлари билан ремонт қилиш ва эҳтиёт қисмларининг 95 процентдан кўпроғини тайёрлашга мажбур бўлмоқдалар. Бундай эҳтиёт қисмлар таннархи ихтисослашган заводлардагига қараганда бир неча баравар юқори бўлмоқда. Бунинг устига белгиланган нормадагига қараганда анча ортиқ металл сарфланмоқда.

Ремонт ишларини ташкил этишнинг энг маъқул формаси тармоқ ичида эҳтиёт қисмлар тайёрлашни, асбоб-ускуналарни ремонт қилишни ихтисослаштиришдир. Бунинг учун корхоналарнинг ремонт-механика цехлари қуввати ҳисобига металл қирқиш станоклари, темирчилик-пресслаш ва бошқа шу каби асбоб-ускуналар учун мураккаб эҳтиёт қисмларни марказлашган усулда тайёрловчи ихтисослашган участкалар ташкил этиш керак. Бу участкалардан бошқа моделдаги станоклар учун бир хил номенклатурадаги деталлар тайёрлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Ремонт ишларининг марказлаштирилиши, айниқса, ремонт хизматини жуда камқувват бўлган кичик корхоналар техника иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланишига самарали таъсир кўрсатади. Чунки, бундай корхоналар лозим миқдорда сифатли деталлар тайёрлашни таъминлай олмайдилар.

Конструкцияси ва технологияси жиҳатидан бир-бирига ўхшаш деталларни кўп миқдорда тайёрлашни йўлга қўйиш уларни ишлаб чиқариш таннархини кескин камайтириш имконини беради. Масалан, ихтисослашган участкаларда тайёрланган шпинделнинг таннархи ремонт-механика цехларида тайёрланганига қараганда 1,2, шестерняларники 1,5, дискларники 4,5 баравар арзон бўлади.

Кенг тарқалган моделдаги станоклар ва машиналарни ремонт қилиш бўйича ихтисослашган корхоналар ва цехлар ташкил этиш соҳасидаги дастлабки ишлар ҳам диққатга сазовордир. Шу мақсадда СССР Станокозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги металл ишлаш асбоб-ускуналари ремонтр бўйича Бутуниттифоқ бирлашмаси ташкил этди. Бу бирлашманинг бир канча заводлари бор. У корхоналарда 1970 йилдаёқ минглаб станок капитал ремонтдан чиқарилди.

Илмий-техника тараққиёти шароитларида машиналар ўрта ҳисобда 7—10 йил ичида маънавий ишдан чиқмоқда. Шунинг учун ҳам 15—20 йил ва ундан ҳам ошиқроқ «ёш»даги асбоб-ускуналарни капитал ремонт қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масала қўйдаланг бўлмоқда. Лекин шуни ҳисобга олиш керакки, ремонтнинг қимматлиги фақатгина станок конструкциясига боғлиқ бўлиб қолмай, кўп жиҳатдан ремонт ишларининг эски, кустар усул билан бажарилишига боғлиқ. Бу масалани узил-кесил ҳал қилиш учун турли-туман асбоб-ускуналар хиллари бўйича чуқур иқтисодий таҳлил ўтказиш керак.

Капитал маблағларни сарфлашни планлаштириш, улардан фойдаланишдаги камчиликлар ҳам асосий ва ёрдамчи ишларнинг механизация даражасини тез суръатлар билан оширишга ҳалақит бермоқда. Ҳозирги вақтда саноатда капитал маблағларнинг 60 процентдан кўпроғи бинолар ва иншоотлар қурилишига ва фақатгина учдан бир қисмидан сал кўпроғи машина паркини тўлдиришга ва янгилашга сарфланаяпти. Шу сабабли ҳам кўпчилик корхоналарда машиналар ва асбоб-ускуналарнинг деярлик учдан бир қисми 15—20 йилдан ва ундан ҳам ошиқроқ вақтдан бери ишлатиб келинаяпти. Эски асбоб-ускуналарнинг шунчалик кўплиги уларни капитал ремонт қилиш учун катта ҳажмдаги ишларни бажаришга, демак, ремонт ишчилари сонининг кўп бўлишига олиб келяпти. **Шуни ҳисобга олиб капитал маблағларни сарфлашни планлаштириш ва фойдаланишни тартибга солиш керак. Бунда асосий ишлаб чиқариш фондларининг анча актив қисми ва аввало бутун машина паркини тўлдириш ва янгилаш учун харажатларни кескин кўпайтириш назарда тутилмоғи керак.**

Машинасозлик саноатида техникани тараққий эттириш манфаатлари инструментал ва технологик оснастка хўжалигини такомиллаштиришни талаб этяпти. Сўнгги йилларда асбоблар ишлаб чиқаришни ихтисослашган даражасини оширишга қаратилган қатор тадбирлар кўрилди. Лекин, шунга қарамай, ҳали ҳам металл қирқиш инструментларининг 25 процентга яқини деярлик барча махсус инструментлар мамлакатимиз машинасозлик заводларининг асбобсозлик цехларида тайёрланмоқда. Мамлакатда инструментлар ишлаб чиқаришнинг ихтисослашган даражаси ҳозирги вақтда фақатгина 50 процентга етди.

Шундай бир шароитда республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари зарур бўлган асбоблар ва оснасткаларни ўз кучлари билан тайёрлашга мажбур бўлмоқдалар. Мавжуд инструменталь цехлари заводларни жуда турли-туман асбоблар ва технологик оснасткалар билан узлуксиз таъминлашлари керак. Бу цехлар қишлоқ хўжалик машинасозлигининг мураккаб бўлималаридан биридир. Уларда республикамиз машинасозлик ва металл ишлаш заводларида сарфланаётган инструментлар ва оснасткалар умумий баҳосининг 70 процентдан кўпроғи ишлаб чиқариляпти.

Масалан, «Ташсельмаш» заводида 14ХВ—2,4 пахта териш машинаси ишлаб чиқариш учун лозим бўлган оснасткаларнинг 70 хилдан кўпроғи тайёрланди. Штамплар, пресс шакллар, мосламалар, ёрдамчи асбоблар ва бошқа жуда кўп хил технологик оснасткалар тайёрлашнинг ихтисослашиш даражаси фақатгина 51,7 процентни ташкил этмоқда.

Асбобсозлик хўжалигининг талаб даражасида бўлишини таъминлаш учун инструментларни ихтисослашган усулда ишлаб чиқариш суръатларининг машинасозлик ва металл ишлашни тараққий эттиришга қараганда жадалроқ бўлишини таъминлаш керак. Республикада инструментлар ва технологик оснастка тайёрловчи ихтисослашган заводлар барпо этиш лозим. Ҳозирги вақтда заводларда асбобсозлик хўжалигини қисман ихтисослаштириш мақбул йўлдир. Айрим корхоналарда инструментал цехларни маълум хил асбоблар тайёрлашга ихтисослаштириш керак. Бунинг учун маблағ ҳам кам сарфланади. Натижада кичик асбобсозлик цехлари ҳам рентабелли бўлиб қолиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ҳар бир цехда жуда кўп хил асбоблар тайёрланади. Қилинган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қарқғич, парма, метчик, фрезалар ва бошқа шу каби инструментлар кўплаб тайёрланар экан. **Шунинг учун ҳам бундай инструментларни тайёрлашни биринчи навбатда ихтисослаштириш керак. Ихтисослаштиришни айрим инструмент турлари бўйича навбатма-навбат, поғонама-поғона амалга ошириш тавсия этилади.** Шу муносабат билан Москва, Одесса, Волгоград, Челябинск, Харьков ва бошқа шаҳарлардаги илғор корхоналарнинг тажрибаси диққатга сазовордир. Бу корхоналарда металл қирқиш ва слесарлик-монтажлаш асбоб-ускуналарининг айрим турларини ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган цехлар ташкил этилган. Корхоналарда асбоблар тайёрлашни ихтисослаштириш натижасида асбобсозлик цехларя ишлаб чиқариш майдонининг ярмига яқини бўшатилди. Бу майдонларда товар инструментлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу корхоналар асбоблар билан шу ва бошқа қўшни иқтисодий районлар заводларини таъминламоқда.

Бизнинг фикримизча қишлоқ хўжалик машинасозлигида асбоблар ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни битта шаҳарда ёки бир-бирига яқин районларда жойлашган бир қанча заводлар базасида бошлаш керак. Ихтисослашган ҳар бир цех асбобларнинг қатъий чекланган хилларини тайёрлайдиган бўлади. У ана шундай асбоблар билан шу районнинг тармоқ заводларини таъминлайди. Натижада майда асбобсозлик участкаларида маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатилади. Ихтисослаштиришнинг бу усули бир шаҳар ёки районда жойлашган корхоналар, машинасозликнинг бир неча тармоқлари эҳтиёжлари учун асбоблар етказиб берувчи ихтисослашган заводлар ташкил этиш учун яхши асос бўлади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришларни такомиллаштириш ва уларнинг механизация даражасини ошириш юзасидан юқорида айтилган фикр ва мулоҳазалар инобатга олинса айни муддао бўлур эди. Бу билан КПСС XXIV съезд томонидан пахтачилик билан боғлиқ бўлган машинасозликни ривожлантириш юзасидан белгиланган улуғвор программанинг беками-кўст бажарилишига ижобий таъсир кўрсатиларди.

Г. ДАНИЛОВ,
Ўзбекистон Госплани ҳузуридаги экономика илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими.

ТЎҚҚИЗИНЧИ МАШҒУЛОТ

Тошкент экскаватор ремонти заводида вақтдан ўзиб меҳнат қилаётган азаматлар беҳисоб. Улардан бири механика цехининг пешқадам ишчиси токарь Анатолий Александровдир. У смена топшириғини одатда бир ярим баравардан кам бажармайди. М. НУРИТДИНОВ фотоси.

Самолёт ўрнида

«Ташхимсельмаш» заводи Тошкент область Ўрта Чирчиқ район хўжаликлари учун «ОВХ—14» маркали пуркагич машиналар етказиб бериш юзасидан зиммасига олган йиллик буюртмани бажарди. Корхона коллективи қишлоқ меҳнаткашларига муддатидан илгари ўнта машина жўнатиб, пахтакорларга оталик ёрдами кўрсатиш юзасидан олган мажбуриятининг асосий моддаларидан **бирини бажо келтирди.**

Бу йил биринчи марта районнинг барча пахтачилик далаларида ғўза баргини ердан туриб дори пуркаш усули билан дефолиация қилишга қарор берилди. Тошкент заводининг пуркагич машиналари мана шу ишда қишлоқ хўжалик азнаципяси ўрнида ишлатилади. Район ўз далаларидаги ғўза баргини тўндириш учун салкам юзта шундай машина керак. Хўжаликларда шундай машиналарнинг бир қисми бор. Етишмаётган агрегатларни эса завод тайёрлаб беради. Корхона коллективи ички резервлардан фойдаланиш ҳисобига шундай техника ишлаб чиқаради.

Бўлтур районда ерда юрадиган техника ёрдами билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув-тажриба хўжалиги далаларида ғўза барглари тўнилди. Бу тажриба дефолиант модданинг баргга таъсири зўраййшини кўрсатди. Бунинг устига бир гектар ер ғўзасининг баргини тўниш ҳаражатлари авиациядан файдаланилгандагига нисбатан 1,4 баравар қисқаради. Ғўза барги тўла тўкилиши туфайли машинада териладиган пахта унча ифлос бўлмайди. Тахминан 1,5 баравар тозароқ терилади.

20 минг гектардан зиёд майдонга чигит экиан районда ердан **туриб ўтказиладиган дефолиация** жорий этилиши натижасида хўжаликлар салкам 200 минг сўм пул тежайди. Пуркагич машиналарнинг авиацияга нисбатан бошқа муҳим фазилатлари ҳам бор. Уларга алоқа симлари ва электр симлари халақит бермайди. Улар ҳар қандай об—ҳавода ҳам ишлайберади. Аҳоли пунктлари, чорвачилик фермалари ва ҳовуз яқинига жойлашган пахта далаларига ҳам бемалол дори пуркайбериш мумкин.

Корхона коллективи ёз мобайнида юзта механизаторни янги агрегатда ишлашга ўргатиш мажбуриятини олди. Заводнинг етакчи мутахассислари механизаторлар билан машғулот олиб боради. Улар пуркагич машиналарни тракторларга ўрнатишда, машиналарни созлаш ва чиниқтиришда пахтакорларга ёрдам берадилар. Дефолиация мавсумида агрегатларни ремонт қилиш учун зарур запас қисм ва асбоб-**ускуналари бор кўчма устахона хўжаликлар ҳузурига боради.**

Хўжаликлар эса механизаторларни таълим олгани заводга юборадилар, машиналарга сув қуядиган ва кимёвий доривор тўлдирувчи қишлоқлар тайёрлайдилар.

В. ШЕВЦОВ
ЎзТАГ МУХБИРИ.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Корхонамиз қуввати йил сайин ошиб, тайёрланаётган маҳсулот сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда цех ва участкаларда асосий операциялар механизмлар воситаси билан бажарилмоқда. Оғир қўл меҳнати тобора чекиниб бормоқда.

Биз бундан буён ҳам техникани тараққий эттириш йўли билан юксак унумдорликка эришишни мўлжаллаганмиз. Техника ва социал ривожланишнинг комплекс планига асосан асосий эътибор корхонани техника жиҳатдан мукаммал жиҳозлашга, ишчиларнинг маданий-техникавий малакасини оширишга, улар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган иш шароитларини яратиб беришга қаратилади.

Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, социал ривожланиш комплекс планига мувофиқ беш йиллик мобайнида ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи кучининг 40 процентя иқтисод қилиб қолинади. Ишчиларнинг маоши қарийб 10 процент ошади. Меҳнат маданияти ва иш шароити сезиларли даражада яхшиланади. Механизациядан унумли фойдаланиш туфайли корхонада меҳнат унумдорлиги юксалиб, шу ҳиссобдан қўшимча 27 процент ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Завод партия ташкилоти техникани тараққий эттириш билан бир қаторда ишчилар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ташкил этилган коммунистик меҳнат мактабларида малака ошириш курсларида ҳозир кўплаб ишчилар таълим олмоқдалар. Беш йиллик мобайнида шундай йўллар билан 4 минг ишчи ўз малакасини оширади. Кадрлар тайёрлашни кўпайтириш мақсадида завод ўқув-ишлаб чиқариш базаси кенгайтирилиб, янгидан станокчи шогирдлар тайёрловчи участка очилади.

Заводимиз коммунистлари айни пайтда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор билан қараб келмоқдалар. Бу соҳада бошланган мусобақа яхши самаралар бермоқда. Ҳозир инкита цех ва 15 та бригада коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга сазовор бўлган. 800 ишчига коммунистик меҳнат зарбдори унвони берилган. Бу соҳада бошланган мусобақа корхонамиз бўйлаб янада кенг қулоч ёймоқда.

Ишчилар ҳар соҳада мусобақалашмоқдалар. Ишлаб чиқаришда ажойиб ютуқларни қўлга киритиш билан бирга олий ўқув юртларида билим олишаётган машинасозлар ҳам кам эмас. Кечки ишчи ёшлар мактабларида 153 киши, техникумларда 98 киши, институтларда 67 киши билим олмоқда. Билим ва меҳнатнинг узвийлиги ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Техника ва социал ривожланиш комплекс планига мувофиқ корхона олаётган фойдасининг катта қисми ишлаб чиқаришни янада юксалтиришга, маълум қисми эса ишчиларнинг маданий-маиший шароитини яхшилашга сарфланади. Яқин келгусида Чорвоқ сув омбори қирғоғида дам олиш зонаси яратилади. 280 ўринли болалар комбинати, спорт иншооти, қишки туристик база қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Уй-жой қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси машинасозлик саноатини ривожлантиришга ва ишчилар ўртасида қўнимсизликни бартараф этишга ёрдам беряпти.

А. РУДЕНКО,
«Чирчиксельмаш» заводи партия комитетининг секретари.

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" почтасидан

ОИЛА БАХТИ

— Ассалому алайкум, Ҳалима опа!

— Ваалейкум ассалом...

— Мени танимадингиз чоғи, мен сизнинг собиқ ўқувчингиз бўламан. ТошМИни тугатдим, ҳозир врачман...

Бу учрашувдан Ҳалима опа ўзида йўқ ҳурсанд эди. Ахир, қувонмай бўладими! Ўз қўлингда таълим-тарбия олган талаба олий ўқув юртини тугатиб, моҳир врач бўлибти-ку!

Бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради, — дейди Ҳалима опа. — Шунда, педагоглик касбини танлаганимдан беҳад мамнун бўламан...

Дарҳақиқат, биз ҳикоя қилаётган Ҳалима опа Усмонова моҳир ўқитувчи. Унинг меҳнат фаолияти «Қизил Ўзбекистон» газетасида бошланди, кейин у Низомий номли Тошкент Давлат педогогика институтига ўқишга кирди.

Уруш йиллари эди. Эркак ўқитувчиларнинг кўпчилиги фронтга кетган. Ҳалима ўз қишлоғи болаларининг тақдири ҳақида ўйларди. Ўз хоҳиши билан қишлоққа қайтди ва Ўрта Чирчиқ районидаги 3-мактабда дарс бера бошлади. Мана шунга 32 йил бўлибди. Шу йиллар ичида кўплаб ўқувчи опанинг бой билими ва тарбиясидан баҳраманд бўлди. Моҳир педагог қўлида таълим-тарбия топган талабаларнинг кўпи ҳозир шифокор, ўқитувчи, инженер, аграном бўлиб ишламоқда.

Ҳалима опа Усмонова пенсияга узатилди. Аммо, меҳри дарё онахон болалардан ажрай олмади. Колхоз правлениесига бориб, болалар боғчасида ишлаш истаги борлигини айтди. Моҳир педагогнинг илтимоси бажо этилди. Ҳалима опа ҳозир К. Маркс номли колхоз болалар боғчасида мудираликқилаётир.

Онахоннинг умр йўлдоши Юнус ака Ўринбоев ҳам ёркин ҳаёт йўлини босиб ўтаётганлардан. У 1938 йилдан бери «Қорасув» посёлкасида фельдшер бўлиб ишлаб келаётир.

Аҳил оилада саккиз фарзанд бор. Тўнғич ўғил Мирсиддиқ йўл қурилиши инженери. Севар ҳам акасининг изидан борди. Ҳозир Чкалов номли заводда бош конструктор. Мирзоҳид Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студенти. Мовлуда эса дадасининг касбини танлади, у ҳозир ТошМИ даволаш факультетининг 5-курсида таҳсил кўрмоқда. Гулнора ҳалқ хўжалиги институтининг биринчи курс студенти. Дилора ўнинчи синфда. Кенжа фарзандлар мактабда ўқишади.

Ҳа, бундай оила билан фахрланисак арзийди.

К. САПАРОВА.

Волгоград ва Халқлар дўстлиги кўчалари кесишиб ўтадиган жойда Тошкент метрополитенининг эмблемаси «М» қўйилган. Бу ерда метрополитен станцияларидан бири барпо этилади. Суратда: метрополитен эмблемаси.

Шу кунларда Тошкент метрополитенининг қурилиши қизғин давом эттирилмоқда. Фарҳод станцияси қурилишидан кейин Муқимий станциясида ҳам ишлар бошлаб юборилди. Суратда: Муқимий станцияси қурилиш майдонининг умумий кўриниши.

В. ТАРАН фотолари.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ

Бригадамиз пахтакорлари ушбу хўжалик йилида мавжуд 106 гектар пахта майдонининг ҳар гектридан 21,8 ўрнига 25 центнердан ҳосил етиштириш учун бел боғлаган эдилар. Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатлари, жасоратлари ўз самарасини кўрсатди. Майдонлардаги чигитлар бир текис ундириб олинди. Қатор ораларига ишлов бериш ва биринчи сув тугалланган, ғўзалар гуркираб ўсмоқда эди.

— Деҳқон учун об-ҳаво ҳар йили бирдай келавермайди. Баъзан деҳқон меҳнати табиий офат, табиатнинг қаттиқ «ҳазили» туфайли зое кетади. Лекин деҳқон табиатдан устунлигини ҳар гал намойиш этибгина қолмай, кўзлаган мақсадига ҳам эришади.

Май ойининг 18 кунида сел аралаш келган дўл районимиздаги кўпгина хўжаликларда бўлгани каби бригадамизнинг 106 гектар пахта майдонининг 100 гектарини тамоман нобуд қилди. Қилинган меҳнат чиппакка чиқди. Табиатнинг бундай қалтис «ҳазили»ни кутмаган бригадамиз аъзолари аввалига бироз эсанкираб қолишди. Албатта кечагина ям-яшил дилни қувонтирадиган яшил ғўзалардан бугун асар ҳам қолмаган эди. Энди қимматли вақтни бой бермасдан майдонларга қайта чигит экиш тадбирий чораларини қидириш керак эди. Ҳа, шундай ҳам қилинди. Биз шу куннёқ далага техника воситаларини чиқардик. Колхоз партия ташкилоти ва правлениеси уруғлик чигитни керакли миқдорда етказиб берди. Биз уни тезда экиб олдик.

Май ойининг учинчи ўн кунлигида чигитни экиб олдик. Юқори ҳосил олиш қанчалик машаққатли бўлмасин оташқалб деҳқонларимиз илғорлар бой тажрибасини қўллаб ҳосил олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Шунинг учун ҳозирдан бошлаб қилинажак ишлар ва режалар белгиланди. Жумладан 5 ўрнига 7 марта культивация, 5 марта суғориб ҳар гектар майдонга 200 ўрнига 350—400 килограммдан минерал ўғит соламиз.

Бригадамиз коллективи бақувват. Улар «Курашамиз, енгамиз» шиори остида енг шимариб ишга киришдилар. Маълумки, бу йил халқимиз СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга астойдил бел боғлашган. Шундай экан бригадамиз азамат пахтакорларидан Сангин Сиддиқов, Собит Оққулов, Уммат Норқулов, Карамат Комилова, Шарафат Шамсиева, механизаторлар Ҳамдам Ҳайдаров ва Отамурод Саъдуллаевлар ҳам бу улуғ санада пахтадан мўл-ҳосил олиш, тўйга тўёна ҳозирлаш учун ҳамма тадбирларни ишга солиб меҳнат қилишга муносиб ҳисса қўшадилар.

А. ШАМСИЕВ,
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг 1-бригада бошлиғи.

БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

Бўстонлиқ районидаги нон заводи коллективи аҳолига нон етказиб беришда хайрли ишларни амалга оширмоқда. Ишни социалистик мусобақа асосида ташкил этган корхона коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш планларини доимо ортиғи билан бажаришни одат қилиб олишган. Ишчиларнинг самарали меҳнатлари туфайли биринчи кварталда 740 тонна ўрнига 998 тонна бўрсилдоқ нонларни пиширишга улгиришдилар. Май ойи плани ҳам 125 процент адо этилди.

— Ишни социалистик мусобақа асосида ташкил этганимиз жуда яхши натижа берянти, — дейди корхона директори Ғулом ака Каримов. — Олинган мажбуриятларнинг бажарилишини ҳар ойда эълон қилиб турибмиз. Апрель ойининг ўзидаёқ иккинчи квартал ҳисобига олинган социалистик мажбуриятимизни ўринлаб қўйган эдик. Шу ойда плондан ташқари 20 тонна маҳсулот ишлаб чиқардик. Иш тўрт сменада ташкил этилган. Ишчиларимиз кунлик нормаларини ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилишяпти. Улар шу кунларда СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ниятиёқида янада самарали ишлашмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, нон заводи коллективи аҳоли талабини қондириш борасида мақтовга лойиқ иш қилишмоқда. Бу ерда ҳар бир ишчи ўзига топширилган вазифани тез ва сифатли бажарилишига эришмоқда. Шу туфайли корхона ойлик ва квартал планларини 130—135 процентга ўринлаб келаяпти. Бу ўринда Ниғмат Эрматов бошлиқ смена ишчилари алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. У. Шарипова, Т. Шерметова ва Х. Кенжабаева каби смена ишчиларининг самарали меҳнатлари натижасида бир сменада 3 тонна ўрнига 5—6 тоннадан бўрсилдоқ нонлар ёпилиб, аҳолин дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Корхона коллективининг ўтган 4 ой мобайнида қўлга киритган улкан ютуқлари юксак тақдирланди. Уларга яқинда Тошкент область матлубот жамияти ҳамда область касаба союзлари томонидан фахрий Ерлиқ топширилди. Заводда бир неча йилдан бери ҳалол тер тўкиб келаётган Г. Хузин «Совет матлубот кооперацияси аълочиси» значоги билан, Ю. Турсунхўжаева эса фахрий Ерлиқ билан мукофотландилар.

Ф. НУРМАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

КОНКУРС ҒОЛИБИ

Айни кунларда СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги муносабати билан ҳамма ерда кўрикlар, мусобақалар, конкурслар бўлмоқда. Уларда халқ талантлари ўзларининг маҳорат ва қобилиятларини намойиш этмоқдалар.

Ана шундай конкурслардан бири Тошкент маданий-оқартув техникумида ҳам бўлиб ўтди. Унда техникум ҳаваскорлари иштирок этди.

Конкурс якунини кўриб чиққан жюри аъзолари бир оғиздан 1 курс хор факультетининг студенти, ёш ҳаваскор Ҳошимжон Арзиқуловни конкурс ғолиби деб топди. Эндигина 17 ёшга қадам қўяётган бу ёш хонанда усталик билан чалган рубоби-ю, жаранглаб чиққан нафис овози билан ҳаммани мафтун этди.

Яқинда техникумнинг ҳаваскорлари А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида концерт берди. Концертда бир группа конкурсда олдинги ўринларни олганлар ва конкурс ғолиби Ҳошимжон ҳам иштирок этди. У бу ерда ҳам ҳурматга сазовор бўлди.

И. ХАСАНОВ,
Тошкент маданий-оқартув техникумининг студенти.

ЖАМОАТЧИ—ФАХРЛИ НОМ

ҲУРМАТ БОИСИ

— Қизимизни турмушга чиқармоқчимиз. Тўйда бош-қош бўлсангиз.

— Ўғлимизни армияга узатяпмиз. Ўтириш кечамизга ташриф буюринг.

— Кўчамизда чироқлар ўчиб қолди, ёрдам беринг...

Собир Раҳимов районидаги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласининг жонкуяр жамоатчиси Абдурашид Мавлоновга меҳнаткашлар тез-тез мурожаат қилиб туришади. Абдурашид ака Ўрта Осиё геофизика бошқармасининг бошлиғи. У ишдан кейинги бўш вақтларида маҳалла юмушлари билан шуғулланади.

А. Мавлонов узоқ йиллардан бери маҳалла ишларида қатнашиб, анча тажриба орттирган. У маҳалладa оммавий-сиёсий, тарбиявий темаларда тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради. Маҳалла активлари билан ҳамкорликда маҳаллани янада обод ва кўркам жойга айлантириш борасида катта ишларни амалга ошираётир. Сўнгги йилларда маҳалла аҳолиси учун кенг ва ёруғ чойхона, омонат кассаси бинолари қурилиб, ишга туширилди. Маҳаллада ҳиёбон, чойхона, гулзорлар барпо этилди. Ўнқир-чўнқир йўллар ўрнида асфальт йўллар қурилди. Бу соҳада маҳалланинг Исмоил Мақсудқулов, Абдужалил Иброҳимов, Ислом Мирзаев сингари садоқатли актив жамоатчилари Абдурашид ака Мавлоновга яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Маҳаллада янги давр кишисини тарбиялашда ўртоқлик судлари; қўшилли халқ дружиначилари маҳалла активлари атрофига мустаҳкам уюшган. Шу сабабли маҳаллада баъзан учраб турадиган жамият олдидаги бурчини унутиб қўювчи, кўпчилик манфаатларини менсимовчи, жамоат тартибини бузувчи шахсларга нисбатан муросасиз бўлишяпти.

Маҳалла комитети қошидаги клубда совет қонунчилиги: аҳил бўлиб яшаш шарофати, дўстликнинг қудрати, меҳнат инсонни улуғлайди деган мавзуларда лекциялар уюштириб турилади, суҳбатлар ўтказилади. Бу суҳбатларни кўпинча олимлар, мутахассислар ўтказаётганлиги суҳбатлар таъсирчанлигини оширмоқда. Район халқ суди, прокуратураси, ички ишлар бўлими ходимлари ана шундай-суҳбат кечаларига таклиф этилиб, меҳнаткашлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишяпти.

Ҳа, кўпчиликнинг ишончини, ҳурматини қозонишдек юксак бахтга Абдурашид ака мушарраф бўляпти.

С. ИЎЛДОШЕВА.

БИР ЯРИМ ЙИЛЛИК ОЗУҚА УЧУН

Барча бедазорга ўз вақтида гектарига 250 килограммдан минерал ўғит сепилди. Ҳамма пайкал сифатли борона қилинди. Натижа ёмон бўлмаянти. Барча майдонда беда бўлиқ ва бўйчан бўлиб ўсмоқда. Бедазорлар май ойининг ўзида икки марта суғорилди. Бу эса пайкалларда иккинчи ва учинчи ўрим беда ниҳолларини бўлиқ бўлишига замин бўлади. Суннат Қурбоналиев бошлиқ хашак тайёрловчилар бригадасининг Деҳқонбой Шодиев, Ҳикмат Ғулматов, Ўтан Тўраев каби меҳнатсевар аъзоларининг ғайрат-шижоат билан ишлашлари туфайли ишлар муваффақиятли якунланмоқда.

Хўжаликда даласида экилган маккажўхори ҳам яхши униб чиққан ва дуркун ўсмоқда. Тўйчи Расулов бошлиқ жўхорикорлар бригадаси аъзолари ҳар туп ниҳолнинг бир текис ўсишига эришмоқдалар.

Хўжаликда хашак ўрим-йиғими юмушлари техника зиммасига юкланган. Ҳозирги кунда 10 та сеялка, 4 та грабль, битта волокушка, иккита пресс подборщик, тўртта хашак ортиш крани ва бошқа асбоб-ускуналар ўрим ишларида қатнашмоқда.

Заркентлик чорвадорларнинг ишлари уларнинг бир ярим йиллик ем-хашак жамғаришдек улкан вазифани муваффақият билан адо этишларидан далолат бериб турибди.

И. ОДИЛОВ,
жамоатчи мухбир.

Янгийўл шаҳридаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг ходимлари шаҳар меҳнаткашларига турли қулайликлар яратиш, уларнинг кўп вақт талаб қиладиган меҳнатларини енгиллаштириш учун ҳаракат қилишмоқда. Айниқса бунинг бадиий безаклар тайёрлаш цехида кўриш мумкин. Суратда: (чапдан) уста рассом Григорий Грешнёр ва цех бошлиғи Эдем Эмиров янги тайёрланган маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ фотоси.

УНУТИЛАЁТГАН ВАЪДАЛАР

Редакциямизга келган иккита хатга ҳам бир хил сарлавҳа қўйилганлигига ҳеч ажабланмадик. Чунки хат авторлари баъзи ваъдабоз кишилардан қуруқ ваъда эшитавериб катта тажриба орттиришгани шундоққина маълум бўлиб турарди.

Ҳар бир киши қайси соҳада ишлашидан қатъий назар хоҳ ишчи бўлсин, хоҳ бирон идоранинг бошлиғи бўлсин ваъда беришдан олдин ўз имкониятларини, шарт-шароитларини, қиладиган иш учун сарф бўладиган маблағларни чўнтакдами ёки идора счетида борми, шуларни обдон чамалаб кўриб кейин ваъда берса, ваъдаси амалга ошади, ўзи кўпчилик олдида уялиб қолмай, обрў-эътибори ортса ортадики, лекин камаймайди.

Чилонзор районида бундан беш йил илгари ташкил бўлган «Маданият» маҳалласидан юборилган хатга шу ерда яшовчи аҳолининг кўпчилиги қўл қўйган. Маҳалла бунёд этилганига шунча йил бўлишига қарамай,ҳали ичиш учун тоза сувга, юриш учун равон асфальт кўча, тротуарларга эга эмас. Аслида эса улар тилга олаётган ваъдабозлар ҳамма нишни аллақачон бажариб маромига етказиб қўйишган.

Чилонзор район совети ижроия комитетидаги ўртоқлар «Водоканал» трестига хат ёзиб «Маданият», «Домробод» маҳаллаларига водопровод трубалари ётқизиб, аҳолига тоза сув келтириб беришни сўради. Трестдаги ўртоқлар 1969 йилда талабларингиз қондирилади, деб айтдилар. Шу ваъда сўнгра 1970 йилга кўчирилди. Бу ҳам амалга ошмагач, 1971 йилнинг декабригача албатта тоза сув билан таъминлаймиз» деган мазмундаги хатни водопровод тармоқлари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. Р. Раҳимов маҳалла меҳнаткашлари қўлига тўтказиб ўтган йилни ҳам амаллаб ваъда билан ўтказиб юборди.

«Маҳалла кўчаларини ободонлаштириш масаласини 1969 йилда албатта ҳал қиламиз» деган мазмундаги шаҳар ижроия комитетига қарши йўлларни фойдаланишга топшириш ихтисослаштирилган трестнинг бош инженери Э. К. Стороженко юборган хат ҳам ҳалигача қоғозда қолиб амалга ошганича йўқ.

Октябрь районидаги «Октябрь» массивидан келган иккинчи хат ҳам юқоридагисидан қолишмайди. Ёш жиҳатдан бу массив ҳам Чилонзор районидаги «Маданият» маҳалласига тенгдош бўлишига қарамай ваъда олишга анча кўникиб қолди.

Массивда 70 мингга яқин аҳоли яшайди. Лекин баъзи тадбирлар амалга оширилгани билан ҳали маданий-маиший, коммунал хизмати кўрсатиш даражаси аҳоли талабидан анча паст. Дадил, Алвон, Каримов кўчаларида йўлкалар қилинмаган, марказий кўчанинг бир томонидан кабель ўтказилгач, асфальтлаш ҳали ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Биронта тузукроқ сартарошхона, оёқ кийимларини ремонт қиладиган устохона, химчистка, радио-телевизор устахонаси, фотография, пойафзал, магазини, ҳаммом йўқ. Транспорт қатнови ҳам аҳоли талабига мутлақо жавоб бермайди.

Бу массивдаги аҳоли камчиликларни тугатишда ёрдам сўраб район раҳбарлари, коммунал хўжалик бўлимига, турли ташкилотларга мурожаат қилавериб талайгина қимматли вақтларини сарфлашди. Бу хатга шу массив меҳнаткашларидан А. Ахроров, М. Тўлаганов, И. Мирсоатов, Н. Тиллашайхов, ҳаммаси бўлиб 21 киши қўл қўйган.

Редакция ҳар иккала хатда номлари тилга олинган ташкилот раҳбарларидан «берилган ваъдалар амалга оширилди» деган конкрет жавоблар кутади.

МЕДИКЛАР КЕЧАСИ

Яқинда Ўрта Чирчиқ районида область партия комитети, область соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда район санитария бирлашмасининг ташаббуси билан медиклар кечаси бўлиб ўтди. Кечага Тошкент Давлат медицина институтининг профессори ўртоқ Т. М. Қориев бошлиқ бир группа тиббиёт олимлари қатнашди.

Район партия комитетининг мажлислар залида ўтган бу кечани пропаганда ва агитация бўлими мудири ўртоқ М. Ҳўжаева очди. Залда ўтирганлар профессор Т. М. Қориевнинг соғлиқ-саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мавзуидаги лекциясини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Шундан сўнг олимларга кўплаб саволлар берилди. Тиббиётнинг турли хил мавзуларидаги бу саволларга профессор ва доцентлардан Т. Қориев, Н. Голинова, А. Ашрапова, Т. Ўрмонова ва бошқа ўртоқлар жавоб бердилар.

А. ҚОДИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ЮТУҚЛАР МУБОРАК

5000 СЎМ

Англен автобус — таксомотор паркининг шофери Ўрол Анорчаев педагогика институтининг студенткаси 3 процентли облигацияга 2500 сўм ютганлиги ҳақидаги ахборотни эшитиб, у ҳам шундай заём облигацияларидан бир нечасини сотиб олди.

15 февралда ўтказилган шу заёмнинг 45— расмий жадвалини текширганда у дастлаб ўзига ишонмади. Лекин, унинг бу иккиланишини йўқотишда омонат касса ходимлари ёрдам беришди. Ўрол Анорчаевнинг 20 сўмлик облигациясига беш минг сўм ютуқ чиққан эди. У бу катта ютуқ пулига ҳам 3 процентли заём облигацияларини сотиб олишга аҳд қилди.

А. ЦАРЬКОВ.
«Ангренская правда» газетасининг ходими.

„МОСКВИЧ“

Омад келаман деса ҳеч ган эмас экан. Бу сафар Ғазалкент консерва заводининг ишчиси Шоюсуп Расуловнинг омади келган эди. У Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереясининг 2-чиқарилиш расмий жадвалини кўздан кечираётиб, 09955 рақамга қараб маҳлиё бўлиб қолди. Чунки, 124-номерли 09955 серияли бу рақам унинг қўлидаги лотерея билетидаги рақамларга тўғри келган эди.

Ҳа, Шоюсуп ака Расулов энди «Москвич—412» енгил автомашинанинг эгаси бўлди.

Н. ФАТХУЛЛАЕВ,
штатсиз мухбир.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЭЛ ЭЪЗОЗИ

Ярим кечада Солиҳ аканинг эшиги тақиллади. Ким экан у, ўйлади уй бекаси хавотир олиб.

Эшик ёнида илтижо билан Собир ака турарди.

— Келинг, хизмат?

— Солиҳ акани кўрмоқчи эдим. Уғлимизнинг иситмаси баланд. Бир кўриб қўйсалар, зора шифо топиб кетса...

Солиҳ ака беморнинг қон томирини ушлаб кўрди, жуда суст уряпти. Юрак уриши ҳам борган сари пастлашиб борарди. У беморнинг қон томирига глюкоза, кофеин дориларини юборди. Массаж ишларини ҳам бажарди. Ниҳоят, шифокорнинг бой тажрибаси, оғир дардларни енгил қилувчи қўли ўлимни енгди.

Уз касбига меҳр қўйган Солиҳ ака Зокиров доим катталар иззатига, кичиклар ҳурматига сазовор бўлиб келяпти. Мана, 34 йилдирки, у инсонлар саломатлиги учун курашиб юзлаб, минглаб беморларнинг дарддан халос этди.

Енгил қўл шифокор шифохона бўлимларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. 2, 4-поликлиника, 10, 15-амбулаторияларда ҳалол хизмат қилиб, обрў орттирди.

Юксак шифокорлик маҳоратига эга бўлган Солиҳ ака айни кунларда Тошкент трамвай-тролейбус бошқармасига қарашли поликлиникада терапевт. Унинг номига электр транспортчилардан миннатдорчилик билдирилган хатлар тез-тез келиб туради.

С. Зокиров сезгир ва ҳушёр шифокор. У умрининг ярмидан кўпини инсон соғ-саломатлиги йўлига бағишлади. Шунинг учун ҳам моҳир шифокорнинг меҳнатлари ЎзССР Согликни сақлаш министрлиги томонидан бир неча маротаба муносиб тақдирланган.

Қўлингиз енгил, умрингиз боқий бўлаверсин Солиҳ ака!

Ф. АБДУРАҲИМОВ.



КИНОТЕХНИКУМ ТАЛАБАЛАРИ ҲУЗУРИДА

Пойтахтдаги кино техникум студентлари кино санъати сирларини мукаммал ўрганишмоқда. Штатсиз мухбир С. Махов техникум студентлари машғулотида бўлиб ушбу суратларни фотообъективга туширди.

Суратларда: (чапдан) техникум директори Ш. Максумов студентлар билан амалий машғулот ўтказмоқда. (Ўнгда) ўқитувчи Н. Абдуазимов студентлар билан техника синфида.

ШИФОКОРИМ ТОШКЕНТЛИК ЭДИ

Бу ҳаёт-мамот учун бўлган жиддий кураш 1941 йил 29-31 декабрдан 1942 йил 2 январгача бўлиб ўтган эди. Шонли Қизил армиямиз Калинин областидаги Торжок ва Куйшиново шаҳарларини фашист босқинчиларидан озод қилгач, рус азим дарёси Волгада бошланган уч тармоқли Селигер кўли ўртасида жойлашган Осташков шаҳри олдида вақтинча тўхтаб қолди. Бу шаҳарни олиш учун фашистларнинг куч-қуввати, мудофааси ва ҳарбий сирларини билиш зарур эди.

Қўмондонлигимиз ўзбек, белорус, татар ва рус фарзандларидан иборат беш кишини Осташков шаҳрида разведкага юборишди. Улар қаторида шу воқеани ёзган автор ҳам бор эди... Олдимизга қўйилган жуда қийин ва масъулиятли вазифа ўз вақтида муваффақиятли бажарилгач, армиямиз жуда кам йўқотиш билан шаҳарни эгаллади. Лекин ғарбдан партизанлар, шарқдан қизил аскарлар ҳужумига учраган бирорта фашист бу шаҳардан қочиб кета олмади. Мақсадга эришдик. Бологое, Торжок, Торопец темир йўли кесилди, Пено, Андреселол, Торопец шаҳарларига йўл очилди.

Лекин, афсуски мен ўзимни совуққа олдирган эдим. Қўмондонимиз ғамхўрлигида дала госпиталига тушдим. Врачлар шошилинч равишда биринчи ёрдам кўрсатишди, сўнг гупчакдек шишиб кетган оёқларимдан этикни кесиб олишди. Бутун таним, хусусан оёқларим зирқирарди.

Бошимда турган айрим врачлар оёғимни кесишмоқчи бўлишди. Шу зоҳоти ишга аралашган қорачадан келган миқти, 35—40 ёшлар чамасидаги ўзбек врачи мени қайтадан синчиклаб кўриб бошқа хулосага келди:

— Ҳозир совуқ ургани иккинчи даражада, — деди у, менга ва врачларга жиддий қараб, — уни чўлоқ қилиб юборишдан кўра, тузатиб армиямиз сафига қўшганимиз яхши.

Врачлар бир-бирларига маъноли қараб олишди ва улардан бири ўзбек врачига юз ўгириб: «бу касални ўзингизга топширамиз. Тузатиш учун бошингиз билан жавоб берасиз!» дейишди-да тарқалишди. Ўзбек врачи мени қайтадан кўриб чиқди, қаерданлигимни, ким эканлигимни сўраб олди, ўзининг тошкентлик эканини айтди. Шу аснода мен бутун оғриқларни унутиб, худди ўз иним, дўстим ёнида ўтиргандек ҳис қилдим.

У бир нафас назаримдан ғойиб бўлдию, қўлларида дори-дармон, шприцлар кўтарган медицина ҳамшираси билан олдимда пайдо бўлди. Шу рус қизи врачнинг айтганларини қилиб, уч сутка менга қаради. Врач ҳам куну-тун менинг атрофимда парвона бўлди. Уч сутка ўтгач, ўша врач, «энди хавфли вазнятдан ўтдингиз. Оёқларингиз бутун қолади» деди. Ҳаяжондан севинч кўз ёшларим оқди. Мен уни ётган жойимда қучоқлаб ўпдим.

Шифокорим мени Москва госпиталларидан бирига юборди. У ерда яхши тузалиб яна ўз қисмимга, жангчи дўстларим сафига қайтдим. Ватанимиз озодлиги учун олиб борилган урушларда мен ҳам актив қатнашдим, бир неча орден-медалларга сазовор бўлдим.

Ишончим комилки, тошкентлик ўша врач тирик. У менинг исмим, фамилиямни унутган, мен ҳам.

Эҳтимол, «Тошкент ҳақиқати» орқали топишармиз, мен унга ўз миннатдорчилигимни яна бир карра баён қиларман.

ЭРГАШ РУЗИЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, бир неча орден ва медаллар кавалери. Тожикистон ССР, Хўжанд райони.

Спорт

„ЯНГИАРИҚ" ОЛДИНДА

Хоразм областининг «Янгиариқ» футболчилари «А» классда биринчи йил қатнашаётган бўлишларига қарамай, кучли рақиблар билан муваффақиятли ўйнамоқдалар. Командага устозлик қилаётган Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган тренер Е. Валицкий ва С. Стадник уюшган коллектив тузабялдилар. Ҳозир «Янгиариқ» футболчилари РСФСР 5-зонасида биринчи ўринга чиқдилар. Улар сўнгги турда Ульяновск шаҳрининг «Волга» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида голиб чиқдилар. Шу турда Навоийнинг «Зарафшон» футболчилари Оренбург темирйўлчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. «Зарафшон» тўққиз ўйиндан 8 очкога эга бўлди.

БИРИНЧИ ГРУППАГА ЎТИШДИ

Фарғона шаҳрида қўл тўпидан эркаклар командалари ўртасида республика чемпионати мусобақалари бўлмоқда. Иккинчи группа командалари ўйинларни тугатдилар. Унда областимизнинг «Сплав» коллективи (Чирчиқ шаҳри) биринчиликни эгаллашга муваффақ бўлди. Чирчиқлик спортчилар келгуси йили биринчи группада ўйнаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

АВВАЛГИ ШУҲРАТ ҚАНИ?

Янгийўл шаҳар стадионида спорт мусобақалари ўтказилаётганида томошабин спорт мухлислари орасида албатта 8-заводлар бошқармасининг ёшлари ҳам бўлишади. Шунда улар маҳзун хотираларга берилиб, «ўтган кунлар»ни эслашади. Бунга нима сабаб, улар ҳаётида ўтган кунлар қандай ади-ю, ҳозирги қанақа?

8-заводлар бошқармаси Янгийўлдаги энг йирик корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда 1966 йилгача спорт ишлари юксак даражада бўлиб, спортнинг барча турлари бўйича кучли командалар мавжуд эди. Деярли ҳар йили футболчи, баскетболчи ва волейболчилар шаҳар мусобақаларида мукофотли ўринларни қўлга киритишар эди. Шаҳар биринчилигида команда ҳисобида ғолиб чиқиш корхона спортчилари учун одат тусига кириб қолган эди.

Хўш, қани ўша шон-шуҳрат. Уларнинг ўз-ўзидан йўқолиб кетишига нима сабаб бўлди?

У пайтларда 8-заводлар бошқармасида В. Каширин директорлик қиларди. Жисмоний тарбия инструктори эса И. Абдуллаев эди. Директор пенсияга чиқиб кетди-ю, спорт ишлари инқирозга юз тутди. Унинг ўрнига директор лавозимига тайинланган Убай Абдуназаров спортга лоқайд назар билан қаради. Ҳалигача шундай эътиборсиз бўлиб неляпти.

У. Абдуназаров физкультура инструктори И. Абдуллаевни рассом вазифасига ўтказиб қўйди. 1-ғишт заводининг мастери Марат Ғафуров бир қанча муддат спорт ишларига жамоатчилик асосида раҳбарлик қилиб келди. Бироқ, институтнинг сиртқи бўлимида ўқиши сабабли вақти ҳисобли эди, у ишни давом эттиролмади.

Мана, ўшандан буён шаҳар физкультура комитети ва «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти 8-заводлар бошқармасига бирнеча марта физкультура инструкторини юбордилар. Бироқ, директор У. Абдуназаров ҳар сафар уларни ишга қабул қилмай, қайтариб юборди. Унинг «эътирози»ча, инструкторга штат йўқ эмиш. Ваҳоланки, 500 дан ортиқ ишчиси бўлган ҳар бир корхонада штатли физкультура инструктори бўлиши қонуний. Бу корхонада эса мингдан ортиқ киши меҳнат қилади.

Шунингдек, корхонанинг иккала ётоқхонасида ҳам на стадион бор, на спорт ўйинлари учун бирон шарт-шароит.

Директор У. Абдуназаров биз билан суҳбатда спорт ишларини аввалгича яхши йўлга қўямиз, деб ваъда берди. Бу ваъда қачон амалга ошаркин?

А. МУРИЕВ.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҚАРАШЛАР БИР-БИРИГА ТЎЛА МОС

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Хонеккер СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громикони дўстона суҳбатлашиш учун қабул қилди. Суҳбат чоғида СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Совет Иттифоқининг сўнгги ташқи сиёсий қадамлари тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг СССР ва ПХР билан ГФР ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек Ғарбий Берлинга доир тузилган тўрт томонлама битим кучга киргандан кейин СССР билан ГДРнинг келишиб олинган сиёсати масалалари хусусида муфассал фикрлашиб олинди. СССР билан ГДР бундан буён ҳам Европада ҳавфсизлик ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига актив ҳисса қўшаверадилар.

ОУЛУДА БАЙРАМ

ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС). Финляндиянинг Оулу шаҳрида IV пионер слети ва «Шимолнинг қизил ёз фасли» байрами очилди. Мамлакатнинг ғарби-шимолида жойлашган бу шаҳарга Финляндиянинг минглаб пионерлари, шунингдек, бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар, жумладан Совет пионерларнинг группаси келди.

Асосий тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Финляндия Компартиясининг раиси Арне Саринен нутқ сўзлади.

ҲУКУМАТ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

САНТЬЯГО, 6 июнь. (ТАСС). Халқ бирлиги ҳукумати ўтказаётган саноат-иқтисодий ўзгаришлар программасини тўла қўллаб-қувватлаш Чили халқининг революцион бурчидир, деди Чили Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Бернардо Арайя социалистик ишчи партияси ташкил этилганлигининг (кейинчалик у коммунистик партияга айлантирилган) 60 йиллигига бағишлаб бу ерда ўтказилган митингда сўзлаган нутқида.

Бернардо Арайя мамлакатдаги мавжуд қийинчиликларга тўхталиб, меҳнаткашлар бу қийинчиликларни енгиб ўта оладилар, деб ишонч билдирди. Тарихан жамиятда етакчилик ролини ўйнайдиган Чили ишчилар синфи, деди у, Чилида социалистик жамият қуриш йўлини очиб берувчи революцион ўзгаришларни амалга ошириш учун ҳамма куч-қувватларини сарфлайди.

ГФР КАНЦЛЕРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 июнь. (ТАСС). Визит билан бу ерга келган ГФР федерал канцлери В. Брандт АҚШ президентининг Совет Иттифоқи раҳбарлари билан олиб борган музокаралари чоғида бир қанча масалалар юзасидан тузилган Совет-Америка битимларини икки мамлакат «муҳолифлигини камайтиришга ва ҳамкорлик қилинадиган соҳаларни равшан аниқлаб олишга» ёрдам беради, деди.

В. Брандт Гарвард университетида сўзлаб, «Европа СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда барқарорлаштирувчи омиллар пайдо бўлишидан айниқса наф кўриши мумкин», деди. У ана шу омиллар «хавфсизликнинг янада камайишига олиб боради» деб таъкидлади.

ГФР канцлери Ғарбий Берлинга доир масалалар хусусида тўрт томонлама тузилган битимнинг имзоланишини табриклаб, уни «катта ютуқ», деб атади.

У. ФУЛБРАЙТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 5 июнь. (ТАСС). Стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида Москвада имзоланган битимлар «катта ютуқдир» деди сенатнинг ташқи ишлар комиссияси раиси У. Фулбрайт.

«Битимлар икки мамлакатнинг тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилиш сиёсатини ўтказишга интилишини акс эттириши билан ҳам катта ютуқлардир», деди у.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

ПЕКИН, 6 июнь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беришича, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва Греция ҳукумати ўз мамлакатлари ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш ва бир-бирларига элчилар юборишга қарор берганлар.

Греция ҳукумати Хитой Халқ Республикаси ҳукуматини Хитойнинг ягона қонуний ҳукумати деб танийди.

ҚАҲРАМОНОНА КУРАШ БИЛАН БИРДАМЛИК

ЛОНДОН. (ТАСС). Лондонда ги ва Англиянинг бошқа шаҳарларидаги касаба союз, жамоатчилик ҳамда ёшлар ташкилотларининг қўнғи мингга яқин вакили АҚШнинг Вьетнамдаги урушини ҳамда шу масала юзасидан Англия ҳукумати ўтказиб келаётган позициясини қатъий қораладилар.

Митингга тўпланганлар бу ерга келган ва Вьетнам масаласи бўйича Париж музокараларида қатнашаётган Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати делегацияси бошлиғининг ўринбосари Нгуен Ван Тьен нутқини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар. У Вьетнам халқининг қаҳрамонона курашни тўғрисида сўзлаб берди ва ана шу ҳаққоний курашни қўллаб-қувватлаётганлиги учун Англия меҳнаткашларига миннатдорчилик билдирди.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар АҚШнинг Вьетнамдаги урушини қоралаш билан бирга, Англия ҳукумати ҳам Вьетнам халқига қарши ҳарбий ёрдам кўрсатаётганлигини қаттиқ қоралаб, бу ёрдамни тўхтатишни талаб қилдилар.

Ф. КАСТРО ВАРШАВАГА КЕЛДИ

ВАРШАВА, 6 июнь. (ТАСС). Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, революцион ҳукумат бош министри Ф. Кастро бошчилигидаги Куба партия-ҳукумат делегацияси Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек таклифига биноан расмий дўстона визит билан бугун Варшавага келди.

Варшава аэродромида делегацияни Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси П. Ярошевич ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

ЯПОНИЯ. Мамлакатга Америка Қўшма Штатларидан мевалар кўплаб келтирилаётганлиги сабабли маҳаллий деҳқонлар катта зарар кўришмоқда. Улар маҳсулотини сотолмай кўплаб боғларни кесиб ташлашга мажбур бўлишмоқда. Суратда: Япон деҳқони қанча машаққатлар билан бунёд этилган боғдаги мева дарахтларини арралаб ташламоқда.

Жапан—Пресс—ТАСС фотоси.

Ҳар тўғрида

БОШИ СОВУҚДА, ОЁҚЛАРИ ИССИҚДА

Агар сигир ёзнинг иссиқ кунларида салқин молхонада боқилса, кўпроқ сут беради. Бироқ молхонани салқин қилиш учун қиммат тушмайдиган қилиб ускуналаш мушкул вазифа. Америкалик олимлар бунинг ғалати йўлини топишди. Улар сигирларни боши салқинлик бериб турадиган асбоб—кондиционер ўрнатилган жойга рўпара бўладиган қилиб жойлаштиришди. Буни қарангки, натижада жониворлар одатдагидан 20 процентдан кўп сут бера бошлади.

АКУЛАЛАРНИНГ МИТТИ КУШАНДАСИ

Денгиз ва океанларнинг ўта йиртқич ҳайвони бўлмиш акулаларнинг Жанубий Африка денгизларида яшайдиган ва дидонт макулатус деб аталмиш кичкинагина балиқдан юраги безиллайди. Акулаларнинг ашаддий кушандаси саналган бу балиқнинг танаси ўткир игналар билан қопланган бўлади. Бордию, акула бундай балиқни ютиб юборгудек бўлса, унинг шўри қурийди. Балиқ акула ошқозони деворига санчиладида, танасини тешиб ташқарига чиқиб кетаверади. Акула эса ўша заҳотиёқ ҳалок бўлади.

ЙЎЛБАРС ҚУРБОНЛАРИ

Шу вақтгача ҳеч ким Ҳиндистонда қанча киши йўлбарсга ем бўлганлигини ҳисобга олмаган эди. Яқинда ўтказилган ҳисоб-китобларга кўра бундан юз йил муқаддам йўлбарслар чангалида ҳар йили 1300-2000, 1930-1940 йилларда эса 1000 1600 киши нобуд бўлган. Ҳозир эса мингга яқин одам йўлбарслар қурбони бўлмоқда. Шундай қилиб 100 йил мобайнида йўлбарслар 100-150 минг кишини ҳалок қилган. Шу давр ичида эса 100 минг йўлбарс қириб ташланган.

Одамларнинг бу қадар кўп қурбон бўлишига ўрмонларнинг кўплаб кесилаётгани ҳамда йўлбарслар ов қиладиган кийик ва йирик ҳайвонларнинг камайиб кетаётганлиги асосий сабаблардан экан.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.00 — Ўқувчилар учун. «Қизил галстук» телевизион журнали. 18.40 — «Ахборот» информацион программаси. 19.00 — Амин Умарийнинг имоди портрети. 20.00 — «Ўзбекистон беш йиллик маршида». Ильич нуридан чароғон ўлка». 20.45 — «Ахборот» информацион программаси. 21.05 — Совет Ўзбекистони композиторлари. МУХТОР АШРАФИЙ. 22.30 — «Илғор пиллачиларга тенглашинг» (қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув). 22.45 — «Тирилиш» (бадиий фильмнинг 2-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 дан Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Классик музика саҳифаларида. 20.40 — Телевизион фильм.

Рус тилида: 20.55 — «Червона рута» (фильм-концерт). 21.40 — «Бўрилар ва қўйлар» (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/VI да Хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/VI да Ёшлинда бегим кўнгил, 9/VI да Лаҳма, 10/VI да Қайнона.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ромео ва Жульетта — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Запасдаги офицер — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Республика мулки — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи).

Қор маликасининг юриши — «ҲАМЗА», (кундуз ва кечқуруи) — «МОСКВА» (кеч соат 9.45 минутда).

Уч мушкетёр — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Эль Греко — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Кеча, бугун ва доимо — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруи).

ЁЗГИ БИНОДА

Ромео ва Жульетта — «ФЕСТИВАЛЬ».

Республика мулки — «ХИВА».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10, 11 ИЮНЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўригининг лауреати ТЎХТАСИН ЖАЛИЛОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИ.

Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Саид АЛИЕВ.

Дирижёр — Аббос БАҲРОМОВ.

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: КОММУНА ИСМОИЛОВА, ҒУЛОМ АБДУРАҲМОНОВ, ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА, АЮБ ҚОДИРОВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: МАЛОҲАТ ДАДАБОЕВА, ШОКИРЖОН ЭРГАШЕВ, ҲАДЯ ЮСУПОВА, МИРЗА ТОИРОВ, ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА.

Солистлар: Исҳоқ КАТАЕВ, Сора ШУКУРОВА, Зулайхо ОҚИЛОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Назрулла ЭҚУБОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

21 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қизил Байроқ ордени Ўсимлик моддалари химияси институтининг илмий совет кенгаши (Черданцев кўчаси, 19-уй)да химия фанлари кандидатлари илмий даражасини олиш учун

О. МАЛЛАБОЕВ «Артемизия дракункулусининг изокумаринлари. Артемидин ва артеминдалларнинг тузилиши» деган темада;

Ж. САИТҚОСИМОВ: «Азот-бета-оксиалкиларилламинларни хлор-уксус ва шавель кислота ҳосилалари билан ацилаш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй)да танишиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.
Р—04255. Б. 1767.